

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХАНОВА ШАХНОЗА ШАВКАТОВНА

**ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА САРКОПЕНИЯ СИНДРОМИ:
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР БЕЛГИЛАРИ, ЭРТА ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИ**

14.00.14-Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Шаханова Шахноза Шавкатовна

Онкологик касалликларда саркопения синдроми: клиник-лаборатор
белгилари, эрта таъхислаш, даволаш ва хавф омиллари 3

Шаханова Шахноза Шавкатовна

Синдром саркопении при онкологической патологии: клиническо-
лабораторные проявления, ранняя диагностика, лечение, факторы
риска 29

Shakhanova Shakhnoza Shavkatovna

Sarcopenia syndrome in oncological pathology: clinical and laboratory
manifestations, early diagnosis, treatment, and risk factors 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХАНОВА ШАХНОЗА ШАВКАТОВНА

**ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА САРКОПЕНИЯ СИНДРОМИ:
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР БЕЛГИЛАРИ, ЭРТА ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИ**

14.00.14-Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.DSc/Tib1240 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bgokim.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рахимов Нодир Махамматкулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимов Ижод Рустамжонович
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ходжиев Данияр Шамуратович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 17А-уй. Тел.: (+99871) 203-11-03, факс: (+99871) 203-11-03; e-mail: info@bgokim.uz).

Диссертация билан Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси 17А-уй. Тел./факс: (+998 71) 203-11-03).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Ш. Полатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.Б. Мамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.М. Джураева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Йирик замонавий илмий-амалиёт тиббиёт марказлари томонидан «...саркопения муаммоси энг долзарб масалалардан бири сифатида...» кенг ўрганилмоқда¹. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, саркопения белгилари онкологик касалликка чалинган беморларнинг 50–80% ида аниқланиб, метастатик жараён мавжуд бўлган гуруҳларда бу кўрсаткич беморларнинг учдан икки қисмидан ортигини ташкил этади. Саркопениянинг ўсма жараёни билан биргаликда кечиши госпитал ўлим хавфини 2,3 мартага ошириши, кимётерапияни кўтара олмаслик эҳтимолини эса 45–60% га етказиши қайд этилган. Мазкур маълумотлар саркопенияни фақат клиник ҳолат эмас, балки ногиронлик даражасининг ортиши, ҳаёт сифатининг пасайиши, паллиатив ёрдамга эҳтиёжнинг кўпайиши ҳамда онкологик беморларни даволаш харажатларининг ошиши билан узвий боғлиқ бўлган муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида баҳолашга асос бўлади.

Жаҳон миқёсида олинган сўнгги илмий маълумотлар онкосаркопения муаммосига ёндашувда фақат нутритив қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан, интегратив терапевтик стратегияларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар доираси изчил равишда кенгайиб бораётганини кўрсатади. Қатор клиник ишлар доирасида онкосаркопения ривожланишини секинлаштиришга йўналтирилган мақсадли терапевтик ёндашувлар, хусусан метаболик модуляторлар ва антицитокин препаратлар қўлланилиб, уларни мунтазам клиник мониторинг билан уйғунлаштириш яшаш сифатини яхшилаш ва умумий яшовчанлик кўрсаткичларини оширишда ижобий натижалар бергани қайд этилган. Онкологик беморларда «...саркопенияни чуқур таҳлил қилиш, унинг биомолекуляр механизмларини очиб бериш ҳамда замонавий ташхислаш алгоритмларини такомиллаштириш паллиатив ва комплекс онкологик ёрдамни самарали ташкил этиш...»² учун мустаҳкам илмий асос яратмоқда. Шу боис мазкур йўналишда истиқболли тадқиқотларни амалга ошириш замонавий онкологиянинг энг долзарб илмий вазибаларидан бири сифатида баҳоланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазибалар белгиланган «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни

¹ World Health Organization. (2023). Sarcopenia. WHO Mortality Database.

² World Health Organization. World Cancer Report 2024: Cancer Inequities. Lyon: International Agency for Research on Cancer (IARC), 2024.

профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган³. Ушбу вазифалар турли локализациядаги хавфли ўсмаларда системали яллиғланиш, ўсма микромуҳити ва метаболик бузилиш омилларининг ўзаро таъсирини чуқур ўрганиш орқали саркопенияни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу йўналишдаги илмий изланишлар Ўзбекистонда онкология соҳасини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, индивидуал терапия усулларини жорий этиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябр «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-402-сонли Фармони, 2022 йил 28 январдаги «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сонли Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади, шунингдек, ушбу соҳадаги фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам боғлиқдир⁴.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵.

Сўнгги беш йил давомида чоп этилган адабиёт манбаларининг таҳлили онкологик беморларда саркопенияни ташхислаш, прогноз қилиш ва даволашга қаратилган замонавий ёндашувлар бўйича кенг қамровли ва долзарб илмий маълумотлар мавжудлигини кўрсатди. Ушбу йўналишдаги фундаментал ва клиник тадқиқотлар дунёдаги етакчи илмий-тиббий марказларда фаол равишда олиб борилмоқда. Жумладан, Charité Universitätsmedizin Berlin (Германия), Karolinska Institute'нинг Онкология департаменти (Швеция), Institut Curie (Франция), Istituto Europeo di Oncologia (Италия), MD Anderson Cancer Center, Memorial Sloan Kettering Cancer Center, Dana-Farber Cancer Institute ва Harvard University (АҚШ), University of Alberta'га қаршли Cross Cancer Institute (Канада), National Cancer Center

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябр «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-402-сонли Фармони

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш жараёни куйидаги ҳаволалар асосида амалга оширилди: www.cancer.gov, www.abdn.ac.uk, www.jhu.edu, www.yonsei.ac.kr, en.sjtu.edu.cn, www5.usp.br, global.ulsan.ac.kr ва бошқа манбалар

Japan (Япония), Sun Yat-sen University Cancer Center (Хитой) каби нуфузли марказларда саркопения муаммоси комплекс тарзда ўрганилмоқда. Шунингдек, мазкур соҳада қатор халқаро ихтисослаштирилган илмий жамиятлар — Society on Sarcopenia, Cachexia and Wasting Disorders (SCWD), European Working Group on Sarcopenia in Older People (EWGSOP2), European Society for Clinical Nutrition and Metabolism (ESPEN), Asian Working Group for Sarcopenia (AWGS) томонидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда, Ўзбекистонда ҳам ушбу муаммога бағишланган тадқиқотлар Самарқанд давлат тиббиёт университети томонидан амалга оширилиб, саркопениянинг клиник-диагностик ва прогноз аҳамиятини миллий популяция мисолида баҳолашга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Хорижий клиник тадқиқотларда онкологик беморларда саркопенияни ташхислаш, прогноз қилиш ва даволашга қаратилган комплекс, ўзаро боғлиқ ёндашувлар шаклланди. Хусусан, Karolinska Institute (Швеция) онкология бўлими мутахассислари L3 умуртқа даражасидаги КТ-маълумотлар асосида морфометрия усулини жорий этиб, колоректал ва ошқозон раки билан оғриган беморларда мушак массасининг камайишини объектив баҳолаш имкониятини кўрсатди. Ушбу йўналиш MD Anderson Cancer Center ва Memorial Sloan Kettering Cancer Center (АҚШ) марказларида янада ривожлантирилиб, морфометрия кўрсаткичлари ялғиз биомаркерлари ва функционал тестлар билан уйғунлаштирилган прогностик моделлар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, Sun Yat-sen University Cancer Center ва Fudan University (Хитой) олимлари саркопения хавфини олдиндан башорат қилишда миостатин ва GDF-15 каби молекуляр маркерларнинг аҳамиятини тадқиқ этмоқдалар. Мазкур халқаро тажрибалар билан уйғун ҳолда, Самарқанд давлат тиббиёт университетида ҳам онкологик беморларда саркопенияни аниқлаш ва унинг клиник оқибатларини баҳолашга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда, бу эса глобал илмий ёндашувларни маҳаллий клиник амалиётга интеграция қилишга хизмат қилади.

Жаҳон тиббиёт амалиётида онкологик беморларда саркопенияни эрта аниқлаш, самарали даволаш ва клиник амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар изчил равишда ривожланмоқда. Айниқса, нутритив қўллаб-қувватлаш, меъёрланган жисмоний машқлар дастурлари ҳамда фармакологик коррекцияни (миостатин ингибиторлари, грелин рецепторлари агонистлари ва бошқа мақсадли препаратлар) ўз ичига олган комплекс, мултидисциплинар ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қатор клиник тадқиқотлар ушбу стратегиялар кимётерапияга толерантликни ошириш, даволаш билан боғлиқ асоратларни камайтириш ва умумий яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилишини кўрсатган. Бунда асосий устувор йўналиш сифатида саркопения хавфини эрта босқичда аниқлаш, бузилишларни индивидуал тарзда тузатиш ва интегратив терапевтик моделларни ишлаб чиқиш белгиланиб, мазкур ёндашувлар

беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда узоқ муддатли клиник прогнозига ижобий таъсир кўрсатиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий юқори аниқликдаги морфометрия технологиялари, биомаркер платформалари ҳамда компьютер томографияси ва биоимпеданс таҳлили усуллари саркопения тушунчасини онкологик беморларда анча чуқурроқ ўрганиш имконини берди. Мушак массаси ва функцияси организмнинг умумий метаболик барқарорлиги ва ички муҳитни сақлашда асосий индикаторлар сифатида қаралади (Prado C.M, Varacos V.E., 2018). Саркопения, айниқса, сут бези, ошқозон-ичак тизими, ўпка ва гинекологик ўсмаларда кўп учрайди, ва унинг ривожланиши системавий яллиғланиш, IL-6 ва TNF- α цитокинларининг дисбаланси ҳамда катаболик жараёнларнинг кучайиши билан боғлиқдир (Cruz-Jentoft A.J, Bahat G, Bauer J, et al. 2019). Саркопения даволаш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, кимё терапия токсиклигини оширади ва умумий яшовчанликни камайтиради. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар саркопениянинг онкологик касалликлар билан боғлиқ кечиши ва унинг прогностик аҳамиятини янада равшанлаштирди, шунингдек шахсийлаштирилган ташхис ва терапевтик алгоритмларни ишлаб чиқишнинг зарурлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда саркопенияни ташхислаш ва баҳолаш бўйича илм-амалий билимлар сезиларли даражада кенгайди, бу онкологияда саркопениянинг клиник аҳамиятини қайта қарашга олиб келди. Масалан, гинекологик онкологияда саркопения тарқалишининг 38,8% атрофида экани маълум қилинган бўлиб, бу ҳолат беморларининг умумий яшовчанлиги ва прогнозига салбий таъсир кўрсатиши қайд этилган (Chen Jiang, Qin Chen, et al. 2025). Шу билан бирга, янги тадқиқотлар саркопениянинг мусбат ёки умумий ўлим билан боғлиқлигини кўрсатиб, 3 ва 5 йиллик яшашни прогноз қилиш учун машинали ўрганишга асосланган моделларни ишлаб чиқмоқда, булар орқали юқори хавfli беморларни аниқлаш имконияти ошади (Feng Cui, Xiangji Dang, et al. 2025). Бошқача ёндашувлар КТ тасвирларида саркопенияни белгиловчи параметрларни баҳолашни ҳам кўриб чиқмоқда ва бу усул постоперацион асоратлар ва клиник оқибатлар билан боғлиқлиги аниқланди (Shuyue Su, Rongrong Shao, et al. 2025). Шу билан бирга, сунъий интеллект ва машинали ўрганиш усуллари мусак массаси ҳақидаги маълумотларни визуализация билан уйғунлаштириб, автоматлаштирилган саркопения ташхисини йўлга қўйиш сирасида илғор ғоялар ҳам таклиф этилмоқда (Sachiyo Onishi, Takamichi Kuwahara, et al. 2025).

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда онкологик беморларда саркопенияни прогноз қилиш ва интегратив баҳолаш шлари ҳали тўлиқ ечим топмаган. Асосий илмий тадқиқотлар асосан саркомаларнинг диагностика ва даволаш тактикаларига, шунингдек нутритив қўллаб-қувватлаш ва паллиатив ёрдамга қаратилган клиник синашлардан иборат. Бироқ онкологик беморларда саркопениянинг тарқалиш жиҳатлари, клиник ва лаборатор параметрлари, ташхислаш усуллари ҳамда ҳамроҳ терапияни оптималлаштириш

стратегиялари етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, ушбу синдромни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш учун интегратив диагностик алгоритмларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарур, бу эса замонавий онкологияда амалий қийматга эга бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади функционал, морфометрик ва биокимёвий параметрларни баҳолаш асосида, онкологик беморларда саркопения синдромининг диагностик ва прогностик моделини комплекс ишлаб чиқиш ва асослаб бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли жойлашувдаги ўсмаларга эга онкологик беморларда саркопения синдромининг тарқалганлигига клинко-инструментал жиҳатдан комплекс баҳо бериш, саркопениянинг турли нозологик шаклларда учраш даражаси ва ифодаланиш даражасини таҳлил қилиш ҳамда клиник намоён бўлишини ўрганиш;

саркопениянинг кўпкомпонентли диагностик моделини ишлаб чиқиш, унда скрининг сўровномалари усулларини валидлаш ва яллиғланиш ҳамда катаболизм лаборатор биомаркерларини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда мушак массасини баҳолашнинг инструментал усулларини ягона стандартга келтириш;

онкологик беморларда саркопения ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш: яллиғланиш цитокинлари (IL-6, CRP) ўзаро боғлиқлигини ва метаболик бузилишлар таҳлилини ўрганиш орқали системали яллиғланишнинг мушак метаболизмига таъсирини баҳолаш;

синдромнинг оғирлик даражаси, ўсма жойлашуви ва беморнинг индивидуал метаболик хусусиятларини инобатга олган ҳолда саркопенияни коррекция қилиш бўйича дифференциялашган стратегияни ишлаб чиқиш;

саркопения хавфини башорат қилиш моделини яратиш: ноҳўя натижанинг мустақил предикторларини аниқлаш, маркерларини белгилаш ва хавфни стратификация қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш, шунингдек саркопениянинг умумий ва рецидивсиз яшовчанликга таъсири баҳосини ҳисобга олиш;

онкологик беморларда саркопения синдромни юритишда комплекс ёндашувни асослаб бериш: нутритив кўллаб-қувватлашни оптималлаштириш, персоналлаштирилган реабилитация дастурлари ва метаболик бузилишларни фармакологик коррекция қилишни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида 2022 йил март ойидан 2025 йил март ойигача бўлган даврда Самарқанд вилояти ҳудудлараро хосписи ҳамда Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида стационар даволанган турли жойлашувдаги хавфли ўсма билан касалланган 217 нафар онкологик бемор олинди.

Тадқиқот предмети. Онкологик беморларда саркопениянинг клинко-лаборатор ва инструментал кўрсаткичлари ташкил этди, жумладан: қон зардобдаги биомаркерлар (миоглобин, тропонин, IL-6, CRP, альбумин);

биоимпеданс таҳлили, магнит-резонанс ва компьютер томографиялари кўрсаткичлари (CSA– кесим юзаси, SMI– скелет мушак индекси, миостеатоз); функционал тестлар (Handgrip- қўлни сиқиш кучи, SPPB- қисқа жисмоний қобилиятлар тести, TUG- туриб-юриб-қайтиш тести, 6 дақиқалик юриш тести); беморларнинг касаллик тарихи ва амбулатор карталари таҳлил қилинди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда қуйидаги комплекс усуллар қўлланилди: клиник усуллар: анамнез йиғиш, SARC-F ва ECOG шкалалари бўйича баҳолаш; лаборатор усуллар: миоглобин, тропонин, IL-6, CRP ва альбумин даражаларини аниқлаш; инструментал усуллар: биоимпеданс таҳлили (Tanita MC-980MA PLUS), КТ (L3 даражасидаги SMI), МРТ (CSA, миостеатоз), УЗИ (m. rectus femoris қалинлиги); функционал усуллар: динамометрия, жисмоний фаоллик тестлари (SPPB, TUG, 6 дақиқалик юриш тести); статистик усуллар: вариацион ва корреляцион таҳлил, ROC-қисмаларни куриш, прогностик моделларни валидлаш мақсадида кўп омилли регрессия таҳлили.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор онкологик амалиётда мушак ҳолатини баҳолашга қаратилган клинко-инструментал ва лаборатор маркерларни интеграция қилувчи поликомпонентли диагностик модел ишлаб чиқилган ва шу билан бирга, IL-6 ва CRP каби яллиғланиш цитокинлари мушак метаболизмидаги катаболик жараёнларнинг асосий триггерлари эканлиги илмий жиҳатдан тасдиқланган;

саркопениянинг прогрессиясини башоратлаш учун модификацияланган стратификацион модел функционал тестлар, инструментал кўрсаткичлар ва биокимёвий маркерларни интеграция қилган ҳолда юқори прогностик аниқликка эга бўлиб, AUC > 0,8 даражасида баҳоланган;

дифференциал терапевтик алгоритм оптимизациялаштирилган, у ўсма босқичи, жойлашуви ва беморнинг метаболик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволашни шахсийлаштириш имконини яратган;

жинсга хос чегара қийматларини аниқлашда m. rectus femoris қалинлигини ултратовушда ўлчаш КТ ва МРТ га нисбатан самарали ва альтернатива диагностик усул сифатида асосланган;

енгил ва ўртача саркопенияда «терапевтик ойна» концепцияси асосида комплекс аралашувлар самарадорлиги ва функционал потенциални тиклаш имконияти тасдиқланган, шу билан бирга саркопениянинг оғирлик даражаси мустақил хавф омилли эканлиги аниқланиб, умумий яшаш муддатига таъсирини баҳолашга қаратилган прогностик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

онкологик беморларда саркопенияни эрта аниқлаш тизимини такомиллаштириш ва тизимлаштириш орқали ушбу синдромни клиник белгилар пайдо бўлишидан олдинги босқичларда аниқлаш имкони яратилган;

клинко-лаборатор, инструментал ҳамда функционал кўрсаткичларнинг комплекс баҳоланиши онкологик беморларда саркопения ривожланишининг предикторларини аниқлаш имконини берган;

саркопения хавфи бўйича ишлаб чиқилган прогностик моделлар асоратлар ва ножўя оқибатлар эҳтимоли юқори бўлган беморлар гуруҳини ажратиш имконини берган;

саркопенияли беморларга мўлжалланган комплекс нутритив қўллаб-қувватлаш ва реабилитация дастурларини жорий этиш натижасида функционал ҳолат яхшиланган, асоратлар даражаси камайган ва ҳаёт сифатининг ошиши таъминланган.

Олинган натижаларнинг ишончилиги. Тадқиқотда лаборатор ва инструментал диагностика усулларини солиштирма ва статистик ёндашувлари, шунингдек алгоритмни ишлаб чиқилган. Барча текширувлар халқаро стандартлар ва лаборатория диагностика протоколларига мувофиқ бажарилган, натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар онкологик беморларда саркопениянинг клиник-лаборатор механизмини тизимли ўрганишга, унинг прогностик аҳамиятини очиқ беришга ва саркопеник синдромни шакллантирувчи омилларнинг улуш қийматларини аниқлашга катта ҳисса қўшади. Тадқиқот давомида тизимли яллиғланиш цитокинларининг мушак тўқимаси метаболизмига таъсири, айниқса IL-6 ва C-реактив оксилнинг катаболик жараёнларни фаоллаштирувчи асосий триггерлар эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса шундаки, онкологик беморларда саркопения ривожланишининг хавф гуруҳини аниқлашга хизмат қиладиган поликомпонентли интегртив диагностик моделни клиник амалиётга жорий этишдан иборат. Морфометрик кўрсаткичларни лаборатор биомаркерлар ва функционал тестлар билан биргаликда комплекс баҳолаш онкологик беморларда саркопенияни эрта аниқлаш имконини беради. Юқори хавф тоифасидаги беморлар учун таклиф этилган шахсийлаштирилган нутритив-реабилитацион ёндашув асоратлар хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳини ажратиш, ўсмага қарши даволаш самарадорлигини ошириш, ножўя натижалар сонини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/37-сон хулосасига мувофиқ:

Биринчи илмий янгилик: онкологик амалиётда мушак ҳолатини баҳолаш учун клинко-инструментал ва лаборатор маркерларни интеграциялашган поликомпонентли диагностик модел ишлаб чиқилди ҳамда IL-6 ва CRP каби яллиғланиш цитокинлари мушак метаболизмидаги катаболик жараёнларнинг асосий триггерлари эканлиги исботланди. Мазкур илмий янгилик қуйидаги муассасалар клиник амалиётга жорий этилди: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро филиали (18.07.2025 й., буйруқ № 55/2025); Жиззах

филиали (15.04.2025 й., буйруқ № 29-1/2025); Қашқадарё филиали (04.07.2025 й., буйруқ № 71-т/2025); Сирдарё филиали (21.07.2025 й., буйруқ № 05-89/2025). *Ижтимоий самарадорлиги:* Ушбу усулнинг жорий этилиши натижасида саркопенияни эрта аниқлаш ва тўғри бошқариш имкони кенгайди, реабилитация муддатлари қисқарди, химиятерапияга толерантлик ошди ва операциядан кейинги функционал чекланишлар камайди. Беморларнинг ҳаёт сифати ва жисмоний фаоллиги яхшиланди ҳамда уларнинг ижтимоий фаол ҳаётга қайтиш жараёни тезлашди. *Иқтисодий самарадорлик:* интегратив диагностик моделни жорий этиш саркопенияни эрта аниқлаш ва асоратларни камайтириш орқали умумий харажатларни сезиларли қисқартирди. Асоратлар 20–25 % га, ортикча диагностика ва даволаш сарфлари 18–22 % га, стационар даволаш ҳамда реабилитация муддатлари эса 15–20 % га камайди. Натижада бир беморга тўғри келадиган умумий тежамкорлик ўртача 2,5–4 млн сўм атрофида шаклланди. *Хулоса:* поликомпонентли диагностик модел саркопенияни эрта аниқлаш ва унинг катаболик механизмларини аниқ баҳолаш имконини берди. IL-6 ва CRPнинг асосий триггер сифатидаги роли тасдиқланиб, клиник қарор қабул қилиш самараси ошди. Усулнинг амалиётга жорий этилиши реабилитация муддатларини қисқартирди, беморларнинг ҳаёт сифати ва жисмоний фаоллигини яхшилади. Иқтисодий самараси сифатида бир беморга ўртача 2,5–4 млн сўм тежамкорликка эришилди.

Иккинчи илмий янгилик: саркопения прогрессиясини башоратловчи стратификацион модел ишлаб чиқилиб, функционал тестлар, инструментал кўрсаткичлар ва биокимёвий маркерларнинг бирлашиши юқори прогностик аниқликка эга эканлиги (AUC >0,8) кўрсатилди. Мазкур илмий янгилик қўйидаги муассасалар клиник амалиётига жорий этилди: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро филиали (18.07.2025 й., буйруқ № 55/2025); Жиззах филиали (15.04.2025 й., буйруқ № 29-1/2025); Қашқадарё филиали (04.07.2025 й., буйруқ № 71-т/2025); Сирдарё филиали (21.07.2025 й., буйруқ № 05-89/2025). *Ижтимоий самарадорлиги:* стратификацион моделнинг жорий этилиши саркопенияни эрта башорат қилиш ва хавф гуруҳини аниқлаш имконини ошириб, асоратлар даражасини камайтирди, реабилитация жараёнини тезлатди ва беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда жисмоний фаоллигини яхшилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* стратификацион моделни жорий этиш натижасида асоратлар даражаси ўртача 25–30 % га камайди, ортикча диагностика ва қўшимча даволаш харажатлари 20–25 % га қисқарди. Стационар даволаш ва реабилитация муддатларининг 15–20 % га камайиши соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган умумий молиявий юкни тахминан 22–28 % га пасайтирди ва шу орқали умумий иқтисодий самарадорликни сезиларли оширди. *Хулоса:* саркопения прогрессиясини башоратловчи стратификацион моделнинг ишлаб чиқилиши ва клиник амалиётга жорий этилиши хавф гуруҳини аниқлашни яхшилаб, асоратларнинг камайиши ва реабилитация жараёнининг тезлашувига хизмат

қилди. Модельнинг ($AUC > 0,8$) юқори прогностик аниқлиги даволаш тактикасига индивидуал ёндошиш имконини яратди ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати ва жисмоний фаоллигини оширди. Жорий этилган ёндашув орқали асоратлар, ортиқча диагностика ва даволаш харажатларининг 20–30 % га қисқариши соғлиқни сақлаш тизими учун сезиларли иқтисодий самара берди ва умумий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлади.

Учинчи илмий янгилик: дифференциал терапевтик алгоритм ишлаб чиқилиб, ўсма босқичи, локализацияси ва беморнинг метаболик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволашни шахсийлаштириш имконияти яратилди. Мазкур илмий янгилик қуйидаги муассасалар клиник амалиётига жорий этилди: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро филиали (18.07.2025 й., буйруқ № 55/2025); Жиззах филиали (15.04.2025 й., буйруқ № 29-1/2025); Қашқадарё филиали (04.07.2025 й., буйруқ № 71-т/2025); Сирдарё филиали (21.07.2025 й., буйруқ № 05-89/2025). *Ижтимоий самарадорлиги:* дифференциал терапевтик алгоритмнинг жорий этилиши шахсийлаштирилган даволаш имкониятини кенгайтириб, саркопения билан оғриган онкологик беморларда реабилитация самарадорлигини оширди, асоратлар даражасини камайтирди. Натижада беморларнинг ҳаёт сифати, жисмоний фаоллиги ва кундалик мустақиллиги сезиларли даражада яхшиланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* шахсийлаштирилган терапевтик алгоритм орқали асоратларнинг олдини олиш ва реабилитация жараёнини оптималлаштириш стационар даволаш муддатларини 15–20 % га, ортиқча дори воситалари ва диагностика харажатларини эса 20–25 % га камайтирди. Бу реабилитация ва асоратларни даволаш харажатларини ўртача 20–25 % га қисқартиришга, соғлиқни сақлаш тизими юкламасини камайтиришга ва ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашга имкон берди. *Хулоса:* дифференциал терапевтик алгоритмнинг ишлаб чиқилиши ва клиник амалиётга жорий этилиши ўсма босқичи, локализацияси ва беморнинг метаболик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволашни шахсийлаштириш имкониятини яратди. Ушбу ёндашув реабилитация самарадорлигини ошириб, асоратлар даражасини камайтирди ва беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда жисмоний фаоллигини яхшилади. Шахсийлаштирилган терапия туфайли стационар даволаш ва диагностика харажатларининг 15–25 % га қисқариши соғлиқни сақлаш тизими учун сезиларли иқтисодий самара берди ҳамда ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлади.

Тўртинчи илмий янгилик: енгил ва ўртача саркопениеда "терапевтик ойна" концепцияси асосида комплекс аралашув самарадорлиги ва функционал потенциални тиклаш имконияти тасдиқланди ҳамда саркопения оғирлик даражаси мустақил хавф омили эканлиги аниқланиб, умумий яшаш муддатига таъсирини кўрсатувчи прогностик модел ишлаб чиқилди. Мазкур илмий янгилик қуйидаги муассасалар клиник амалиётига жорий этилди: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий

тиббиёт маркази, Бухоро филиали (18.07.2025 й., буйруқ № 55/2025); Жиззах филиали (15.04.2025 й., буйруқ № 29-1/2025); Қашқадарё филиали (04.07.2025 й., буйруқ № 71-т/2025); Сирдарё филиали (21.07.2025 й., буйруқ № 05-89/2025). *Ижтимоий самарадорлиги:* “терапевтик ойна” концепциясига асосланган комплекс аралашувнинг жорий этилиши энгил ва ўртача даражадаги саркопенияда функционал тикланиш имкониятини оширди, беморларнинг жисмоний фаоллиги ва ҳаёт сифатини яхшилади. Саркопения оғирлик даражасини хавф омили сифатида баҳолаш орқали беморларнинг прогнозини аниқлаш ва уларни индивидуал мониторинг қилиш имконияти кенгайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* комплекс терапияни эрта бошлаш натижасида стационар даволаш ва реабилитация харажатлари қисқарди ҳамда ортиқча текширув ва дори-дармон сарфлари камайди. Бир беморга тўғри келадиган умумий тежамкорлик 3–5 млн сўм атрофида ташкил этди. *Хулоса:* “терапевтик ойна” концепцияси асосидаги комплекс аралашув энгил ва ўртача саркопенияда функционал тикланишни таъминлаши тасдиқланди. Саркопения оғирлик даражасининг мустақил хавф омили эканлиги аниқланди ва умумий яшаш муддатини башоратловчи модел ишлаб чиқилди. Ушбу ёндашувнинг клиник амалиётга жорий этилиши беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади ҳамда ҳар бир беморга ўртача 3–5 млн сўм иқтисодий тежамкорликка эришиш имконини берди.

Бешинчи илмий янгилик: жинсга хос чегара қийматларини белгилашда M. rectus femoris қалинлигини ультратовушда ўлчаш КТ ва МРТ га нисбатан алтернатив диагностик усул сифатида асосланди. Мазкур илмий янгилик куйидаги муассасалар клиник амалиётга жорий этилди: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро филиали (18.07.2025 й., буйруқ № 55/2025); Жиззах филиали (15.04.2025 й., буйруқ № 29-1/2025); Қашқадарё филиали (04.07.2025 й., буйруқ № 71-т/2025); Сирдарё филиали (21.07.2025 й., буйруқ № 05-89/2025). *Ижтимоий самарадорлиги:* m. rectus femoris қалинлигини мустақил прогностик кўрсаткич сифатида аниқлаш юқори хавф гуруҳига кирувчи беморларни эрта босқичда аниқлаш имконини беради. Бу нутритив ва реабилитацион қўллаб-қувватлашни ўз вақтида бошлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронликни камайтириш ва онкологик даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* m. rectus femoris ультратовуш баҳолаш усули — арзон, ноинвазив ва осон қўлланиладиган диагностика усули сифатида, қимматбаҳо инструментал текширувлар (КТ, МРТ)га бўлган эҳтиёжни қисқартиради, госпитализация муддатини камайтиради ҳамда узок реабилитация заруратини пасайтиради. Иқтисодий таҳлил натижаларига кўра, мазкур усулни қўллаш онкологик беморларни даволаш ва кузатиш бўйича умумий харажатларни ўртача 18–23% га қисқартириш имконини беради. *Хулоса:* m. rectus femoris қалинлиги ва эхоструктурасини саркопения маркери сифатида баҳолаш клиник, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан катта салоҳиятга эга. Бу усул натижаларни

объектив прогноз қилиш, диагностика аниқлигини ошириш ва онкологияда даво-реабилитация стратегияларини оптималлаштириш имконини яратади.

Хулоса. Шаханова Шахноза Шавкатовна мавзусидаги «Онкологик патологияда саркопения синдроми: клиник-лаборатория белгилари, эрта диагностика, даволаш ва хавф омиллари» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 5 та илмий янгилик мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/37-сонли хулосаси билан тадбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган, шулардан 3 таси – халқаро, 2 таси – республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 201 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблилиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жиҳатдан яқинлиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, бу бобда хавфли ўсмаларда саркопения синдроми эпидемиологияси, клиникаси, ташхиси, даволаш ва шунингдек, даволашнинг замонавий қарашлари каби масалалар кўриб чиқилади. Кейинчалик кўриб чиқилиши зарур бўлган баҳсли ва ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган. Амалдаги ташхислаш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспектлари белгиланган.

Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

Иккинчи боб диссертациянинг **«Клиник-методологик жиҳатлари. Материаллар ва методлар»** мавзусига билан бағишланган бўлиб, ишда қўлланган тадқиқот материаллари ва методлари баён этилган. Тадқиқотга

2022 йил мартдан 2025 йил март ойигача Самарқанд вилояти ҳудудлараро хосписи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида стационар даволанган 217 нафар онкологик бемор киритилган. Улардан 84 нафар эркак (38,7%) ва 133 нафар аёл (61,3%) ташкил этган.

Кўриқдан ўтказилган беморлар (n=217)нинг ёш таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, 60 ёшдан кичик беморлар танланганинг 31,3%ини (68 бемор) ташкил этди. Ушбу кичик гуруҳда эркак ва аёллар улуши таққосланганидан даражада бўлиб, мос равишда 33,3% ва 30,1% ни ташкил этди. Энг катта улуш 60–74 ёшли беморларга тўғри келди – 42,4% (92 бемор). Бу ёш тоифасида эркаклар устунлик қилди (47,6% эркакларга нисбатан 39,1% аёллар).

Жадвал 2

Саркопенияни скрининг қилиш учун асосий сўровномалар таҳлили

Сўровнома	Камчиликлари	Афзалликлари
SARC-F	Паст сезгирлик (10–50%), субъективлик, онкологик беморларда сезгирлиги паст, эрта саркопения ҳолатларини ўтказиб юбориши мумкин	Соддалиги ва тезкорлиги (5 та савол), юқори специфичлик (82–89%), турли популяцияларда валидатсия қилинган, асбоб-ускуна талаб этилмайди, салбий натижаларни прогноз қилади
SARC-CalF	Ўлчаш асбоблари талаб этилади, оёқ ости айланаси шишларда ўзгаради, онкологик беморларда валидация чекланган	SARC-F га нисбатан сезгирлиги юқори, объектив ўлчов, содда, кекса ёшлилар учун самаралироқ
Mini Sarcopenia Risk Assessment (MSRA)	Янги инструмент, валидатсия чекланган, функционал жиҳатларни ҳисобга олмайди	Саркопения скрининги учун ихтисослашган, ёш, госпитализация, вазн йўқотиш каби кўрсаткичларни ўз ичига олади, тезкор, яхши башорат қийматга эга
Ishii Score	Қўл қисқич кучини ўлчаш талаб қилинади, бошқа этник гуруҳларда валидатсия чекланган, онкологияни ҳисобга олмайди	Ёш, қўл қисқич кучи ва оёқ ости айланасини ҳисобга олади; яхши сезгирлик ва специфичликка эга; осийё популяциясида валидатсия қилинган
Функционал статус анкеталари (ECOG, Karnofsky)	Саркопенияга хос эмас, субъектив, мушак массасини акс эттирмайди	Онкологияда кенг қўлланилади, баҳолашнинг соддалиги, башорат аҳамиятга эга

2-жадвал маълумотларига кўра, рақ билан боғлиқ саркопенияни скрининг ва мониторинг қилишда қўлланилаётган анкеталар муайян афзаллик ва чекловларга эга. SARC-F соддалиги ва юқори специфичлиги

билан ажралиб турса-да, паст сезгирлиги туфайли саркопениянинг эрта босқичларини аниқлашда чекланган. SARC-CalF сезгирликни оширади, ammo кўшимча ўлчов ва шиш каби омилларга боғлиқ. MSRA хавф омилларига йўналтирилган бўлиб, мушак функциясини тўғридан-тўғри баҳоламайди. Ishii Score айрим популяцияларда аниқ, бироқ онкологик хусусиятларни ҳисобга олмайди. ECOG ва Karnofsky анкеталари прогноз аҳамиятига эга бўлса-да, саркопенияга хос эмас. Шу боис, объектив ўлчовлар ва функционал кўрсаткичларни онкологик омиллар билан интеграция қилган, юқори сезгирликка эга янги анкета ишлаб чиқиш рақ билан боғлиқ саркопенияни эрта ва аниқ аниқлаш учун долзарбдир.

Биз томонимиздан «CANCER-ASSOCIATED SARCOPENIA ASSESSMENT QUESTIONNAIRE (CASAQ) – ВЕРСИЯ 2.0» яратилди. У юқорида баён этилган анкеталарнинг кучли ва заиф жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган вариант деб ҳисоблаймиз.

А ҚИСМ: БЕМОР УЧУН СЎРОВНОМА (12 савол)

1-блок: Функционал баҳолаш

5 кг оғирликдаги юкни кўтариш ва олиб юриш Сизга қай даражада қийин?

0 = Умуман қийин эмас

1 = Бироз қийин

2 = Жуда қийин ёки мумкин эмас

Хонани кесиб ўтиш Сизга қай даражада қийин?

0 = Умуман қийин эмас

1 = Бироз қийин

2 = Жуда қийин ёки ёрдамсиз мумкин эмас

Стулдан ёки караватдан туриш Сизга қай даражада қийин?

0 = Умуман қийин эмас

1 = Бироз қийин

2 = Жуда қийин ёки ёрдамсиз мумкин эмас

Зинапоядан 10 қадам юқори чиқиш Сизга қай даражада қийин?

0 = Умуман қийин эмас

1 = Бироз қийин

2 = Жуда қийин ёки мумкин эмас

2-блок: Нутритив ҳолат ва вазн йўқотиши
Сўнгги 6 ой ичида вазнингизда йўқотиш кузатилдими?

0 = Йўқ ёки вазн кўшганман

1 = 1–5 кг йўқотганман

2 = 6–10 кг йўқотганман

3 = 10 кгдан кўпроқ йўқотганман

Сўнгги 1 ойда иштахангиз қандай ўзгарди?

0 = Ўзгармади ёки яхшиланди

1 = Бироз пасайди

2 = Жуда пасайди

Қанча тез-тез чарчок/кучсизлик ҳис қиласиз?

0 = Камдан-кам ёки ҳеч қачон

1 = Ва-қти-вакти билан

2 = Тез-тез

3 = Доимий

3-блок: Ҳаёт сифатини баҳолаш

Сиздаги онкологик касаллик кундалик фаолиятингизни қай даражада чеклайди?

0 = Умуман чекламайди

1 = Бироз чеклайди

2 = Ўртача чеклайди

3 = Жуда кўп чеклайди

Сўнгги 12 ойда қанча марта йиқилгансиз?

0 = Ҳеч марта

1 = 1–3 марта

2 = 4 ёки ундан кўп марта

Касалликкача бўлган ҳолатга нисбатан мушак кучингизни баҳоланг:

0 = Худди шундай ёки яхшироқ

1 = Бироз заифроқ

2 = Сезиларли заифроқ

3 = Жуда заиф

4-блок: Онкоспецифик омиллар

Ҳозирда Сизда қандай противоусма (қарши ўсма) даволаш олиб борилмоқда?

0 = Йўқ

1 = Химиотерапия

2 = Лучевая терапия (нур терапияси)
 3 = Комбинацияланган даволаш
 Сизда онкологик касаллик қанча вақтдан бери давом этмокда?
 0 = 3 ойдан кам
 1 = 3–12 ой
 2 = 1–3 йил
 3 = 3 йилдан ортик

В ҚИСМ: ШИФОКОР ТОМОНИДАН БАҲОЛАШ (11 компонент)

1-блок: Антропометрия маълумотлари
 Танани масса индекси (ТМИ):

0 = ≥ 25 кг/м²
 1 = 22–24,9 кг/м²
 2 = 18,5–21,9 кг/м²
 3 = $< 18,5$ кг/м²

Оёқ ости айланаси:

0 = ≥ 34 см (Э), ≥ 33 см (А)
 1 = 32–33,9 см (Э), 31–32,9 см (А)
 2 = < 32 см (Э), < 31 см (А)

2-блок: Функционал тестлар

Қўл қисқич кучи (динамометрия):

0 = ≥ 30 кг (Э), ≥ 20 кг (А)
 1 = 25–29 кг (Э), 16–19 кг (А)
 2 = 20–24 кг (Э), 12–15 кг (А)
 3 = < 20 кг (Э), < 12 кг (А)

«Тур ва юр» (TUG) тести:

0 = < 10 сония
 1 = 10–15 сония
 2 = 16–20 сония
 3 = > 20 сония

3-блок: Инструментал диагностика

Скелет-мушак индекси (СМИ) КТ/МРТ бўйича:

0 = ≥ 55 см²/м² (Э), ≥ 39 см²/м² (А)
 1 = 50–54 см²/м² (Э), 35–38 см²/м² (А)

2 = 45–49 см²/м² (Э), 31–34 см²/м² (А)

3 = < 45 см²/м² (Э), < 31 см²/м² (А)

Биоимпеданс таҳлили (СМИ индекси):

0 = $\geq 8,87$ кг/м² (Э), $\geq 6,42$ кг/м² (А)
 1 = 8,0–8,86 кг/м² (Э), 5,8–6,41 кг/м² (А)
 2 = 7,0–7,99 кг/м² (Э), 5,2–5,79 кг/м² (А)
 3 = $< 7,0$ кг/м² (Э), $< 5,2$ кг/м² (А)

4-блок: Клиник омиллар

ЕСОГ шкаласи бўйича ҳолат:

0 = 0–1 балл

1 = 2 балл

2 = 3 балл

3 = 4 балл

5-блок: ЯНГИ ЛАБОРАТОР БИОМАРКЕРЛАР

Интерлейкин-6 (IL-6) даражаси:

0 = < 3 пг/мл (норма)
 1 = 3–7 пг/мл (енгил ошиб кетиш)
 2 = 8–15 пг/мл (ўртача ошиб кетиш)
 3 = > 15 пг/мл (кескин ошиб кетиш)

C-реактив оқсил (CRP):

0 = < 3 мг/л (норма)
 1 = 3–10 мг/л (енгил ошиб кетиш)
 2 = 11–50 мг/л (ўртача ошиб кетиш)
 3 = > 50 мг/л (катта ошиб кетиш)

Қондаги умумий оқсил:

0 = ≥ 70 г/л (норма)
 1 = 65–69 г/л (енгил пасайиш)
 2 = 60–64 г/л (ўртача пасайиш)
 3 = < 60 г/л (катта пасайиш)

Қон альбумин:

0 = ≥ 35 г/л (норма)
 1 = 30–34 г/л (енгил пасайиш)
 2 = 25–29 г/л (ўртача пасайиш)
 3 = < 25 г/л (катта пасайиш)

БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ВА НАТИЖАЛАРНИ ТАҲСИРЛАШ

Умумий баллни ҳисоблаш: Максимал балл: 53 балл

Формула: 1–23-саволлар бўйича барча баллларнинг йиғиндиси

Саркопения даражасининг янги градацияси:

Категория	Балллар оралиғи	Изоҳ
Саркопения йўқ	0–10 балл	Нормал мушак массаси ва функцияси
Саркопения хавфи	11–20 балл	Мушак дисфункциясининг дастлабки белгилари
Енгил саркопения	21–30 балл	Мушак массаси/функциясининг ўртача пасайиши
Ўртача саркопения	31–40 балл	Мушак массаси/функциясининг аниқ пасайиши
Оғир саркопения	41–53 балл	Мушак массаси/функциясининг критик пасайиши

ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ БИЛАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲИСОБЛАШ ТИЗИМИ

Блоклар турли вазн коэффицентлари билан:

Функционал кўрсаткичлар (коэффициент 1,2):

Саволлар: 1–4, 15–16

Максимум: $18 \text{ балл} \times 1,2 = 21,6 \text{ балл}$

Композицион кўрсаткичлар

(коэффициент 1,5):

Саволлар: 13–14, 17–18

Максимум: $11 \text{ балл} \times 1,5 = 16,5 \text{ балл}$

Яллиғланиш биомаркерлари

(коэффициент 1,3):

Саволлар: 20–21

Максимум: $6 \text{ балл} \times 1,3 = 7,8 \text{ балл}$

Нутритив биомаркерлар (коэффициент 1,1):

Саволлар: 22–23

Максимум: $6 \text{ балл} \times 1,1 = 6,6 \text{ балл}$

Клиник кўрсаткичлар (коэффициент 1,0):

Қолган саволлар максимум: $22 \text{ балл} \times 1,0 = 22 \text{ балл}$

Вазнланган умумий балл максимум: 74,5 балл

Вазнланган шкала бўйича градация:

Категория	Вазнланган балл	Оддий балл
Саркопения йўқ	0–14 балл	0–10 балл
Саркопения хавфи	15–28 балл	11–20 балл
Енгил саркопения	29–42 балл	21–30 балл
Ўртача саркопения	43–56 балл	31–40 балл
Оғир саркопения	57–74 балл	41–53 балл

КЛИНИК ЙЎРИҚНОМАЛАР

Саркопения йўқ (0–10 / 0–14 балл)

Юритиш: Профилактик чора-тадбирлар

Тавсиялар:

Жисмоний фаолликни сақлаш

Муътадил овқатланиш (1,2–1,6 г оксил/кг/кун)

Яллиғланиш маркерларини мониторинг қилиш

Баҳолаш частотаси: Ҳар 6 ойда

Саркопения хавфи (11–20 / 15–28 балл)

Юритиш: Олдини олиш аралашувлари

Тавсиялар:

Диетолог маслаҳати

Жисмоний машқлар дастури

Оксил истеъмолини кўпайтириш (1,6–2,0 г/кг/кун)

ЯНГИ: ИЛ-6 ва СРБ ни ҳар 4 ҳафтада мониторинг қилиш

ЯНГИ: Ҳолатга қараб

гипопротеинемияни коррекция қилиш

Баҳолаш частотаси: Ҳар 3 ойда

Енгил саркопения (21–30 / 29–42 балл)

Юритиш: Фаол аралашувлар

Тавсиялар:

Структуралаштирилган резистив

машқлар дастури

Нутритив кўллаб-қувватлаш (оксил 2,0–2,5 г/кг/кун)

ЯНГИ: ИЛ-6 >7 пг/мл бўлса

яллиғланишга қарши терапия

ЯНГИ: Оксил-энергетик

етишмовчилигини коррекция қилиш

Фармакотерапияни кўриб чиқиш

Баҳолаш частотаси: Ҳар 2 ойда

Ўртача саркопения (31–40 / 43–56 балл)

Юритиш: Интенсив аралашувлар

Тавсиялар: Мультидисциплинар ёндашув

Индивидуал реабилитация дастури

ЯНГИ: Агрессив яллиғланишга қарши

терапия

ЯНГИ: Парентерал гипопротеинемия коррекцияси

Зарур ҳолларда энтераль нутритив

кўллаб-қувватлаш

Фармакотерапия (миостатин

ингибиторлари, анаболиклар)

Баҳолаш частотаси: Ҳар ойда

Оғир саркопения (41–53 / 57–74 балл)

Юритиш: Шошилиш аралашувлар

Тавсиялар:

Комплекс даво учун госпитализация

ЯНГИ: Интенсив яллиғланишга қарши

терапия (ИЛ-6 ингибиторлари)

ЯНГИ: Юқори оксилли парентерал

нутритив кўллаб-қувватлаш

Интенсив физиотерапия

Агрессив фармакотерапия

Зарур ҳолларда паллиатив ёрдам

Баҳолаш частотаси: Ҳар ҳафтада

ЯНГИ ВАЛИДАЦИОН ХУСУСИЯТЛАР

Умумий самарадорлик:

Сезгирлик: 89% (95% ишончли интервал: 83–95%)

Спецификлик: 82% (95% ишончли интервал: 76–88%)

Мусбат башорат қиймат: 86%

Манфий башорат қиймат: 85%

ROC-кривой ости майдони: 0,91

Синфлараро корреляция коэффициенти: 0,96

Кронбах альфа: 0,92

Биомаркерларнинг самарадорлиги:

Саркопения прогнозида ИЛ-6: AUC = 0,78

Саркопения прогнозида СРБ: AUC = 0,72
 Натижаларни прогноз қилишда умумий
 оқсил: AUC = 0,81

Натижаларни прогноз қилишда
 альбумин: AUC = 0,84

БИОМАРКЕРЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Лаборатор кўрсаткичларни назорат қилиш частотаси:

Саркопения категорияси	ИЛ-6	СРБ	Умумий оқсил	Альбумин
Ўқ	6 ойда 1 марта	6 ойда 1 марта	3 ойда 1 марта	3 ойда 1 марта
Хавф	3 ойда 1 марта	3 ойда 1 марта	2 ойда 1 марта	2 ойда 1 марта
Енгил	2 ойда 1 марта	2 ойда 1 марта	1 ойда 1 марта	1 ойда 1 марта
Ўртача	1 ойда 1 марта	1 ойда 1 марта	2 ҳафтада 1 марта	2 ҳафтада 1 марта
Оғир	2 ҳафтада 1 марта	2 ҳафтада 1 марта	1 ҳафтада 1 марта	1 ҳафтада 1 марта

БИОМАРКЕРЛАР АСОСИДА ШАХСИЙЛАШТИРИЛГАН ТАВСИЯЛАР

ИЛ-6 ошиши (>7 пг/мл) ҳолатда:
 Анти-ИЛ-6 терапиясини кўриб чиқиш
 (тоцилизумаб)
 Омега-3 ёғ кислоталари (2–3 г/кун)
 Куркумин (500–1000 мг/кун)
 Жисмоний машқларни кучайтириш
 СРБ ошиши (>10 мг/л) ҳолатда:
 Инфекцион асоратларни истисно қилиш
 Қисқа курсларда НПВС (қарши
 кўрсатмалар бўлмаса)
 Статинлар (плейотроп таъсир)
 Асосий касалликни назорат қилиш
 Умумий оқсил пасайиши (<65 г/л)
 ҳолатда:
 Рационда оқсил миқдорини 2,5–3,0
 г/кг/кунгача ошириш
 Аминокислотали кўшимчалар (ВСАА)
 Малабсорбцияни коррекция қилиш
 Энтэраль оқсилли кўшимчалар қўллаш
 Альбумин пасайиши (<30 г/л) ҳолатда:
 Оғир гипоальбуминемияда альбуминни
 вена ичига юбориш

Жигарнинг синтетик функциясини
 тиклаш

Оқсил йўқотилишини назорат қилиш
 (бўйрак, ЖКТ)

Зарур ҳолларда парентерал овқатланиш
 БАШОРАТ МОДЕЛ

Саркопениенинг прогрессия хавфини
 ҳисоблаш формуласи:

$$\text{Риск (\%)} = 10 + (\text{ИЛ-6_балл} \times 8) + (\text{СРБ_балл} \times 6) + (\text{Альбумин_балл} \times 7) + (\text{ИМТ_балл} \times 5)$$

Хавф интерпретацияси:

<30% – Паст хавф

30–50% – Ўртача хавф

51–70% – Юқори хавф

>70% – Жуда юқори хавф

Янгиланган CASAQ v2.0 сўровномаси
 яллиғланиш ва нутритив биомаркерларни
 ўз ичига олган бўлиб, онкологик
 беморларда саркопениени аниқроқ
 диагностика қилиш, хавфни
 стратификация қилиш ва
 персоналлаштирилган юритиш
 имкониятини таъминлайди.

Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

“Онкологик беморларда саркопения синдромининг клинко-инструментал кўринишлари” номли учинчи бобида саркопения синдромига хос бўлган субъектив ва объектив симптомлар юқори учрашиши қайд этилди.

Энг илк ва сезгир индикатор сифатида қўл қисқич кучи (Handgrip) камайиши аниқланди. Бу кўрсаткичнинг пасайиши TUG ва SPPB натижалари ёмонлашиши билан ишончли корреляция қилган (χ^2 , $p < 0,001$). Шу боис, клиник амалиётда Handgrip саркопения эҳтимолини баҳолашда асосий дастлабки мезон сифатида қўлланилиши мумкинлиги исботланди.

Компьютер томографияси асосида 188 беморда олиб борилган комплекс баҳолаш натижаларига кўра, скелет-мушак индекси (SMI) нормал кўрсаткичларда фақат 32,4% беморда кузатилди. Аксар беморларда пасайиш қайд этилди: ўртача даражада — 42,0%да, яққол пасайиш эса — 25,5%да.

Жинсга кўра кўрсаткичлар сезиларли фарқ қилди: эркакларда $48,1 \pm 7,5$ см²/м², аёлларда эса $36,6 \pm 6,2$ см²/м² бўлиб, ушбу фарқ статистик аҳамиятли ($p < 0,001$) экани исботланди.

Скелет-мушак ҳолатининг комплекс морфофункционал баҳолашида кўшимча равишда магнит-резонанс томография (МРТ) ҳам қўлланилди. У 67 онкологик беморда, қорин бўшлиғи аъзолари ва бел умуртқа бўғини тасвирларини олиш орқали амалга оширилди.

CSA (мушакнинг кўндаланг кесим майдони) кўрсаткичи бўйича фақат 21 беморда (31,3%) мушак массаси нормал даражада сақланган. Беморларнинг кўпчилигида CSA пасайиши кузатилди: ўртача даражада – 28 бемор (41,8%), яққол пасайиш эса – 18 беморда (26,9%).

CSA ва CSA индекси ўртача қийматлари жинсга кўра статистик аҳамиятли фарқ қилди: эркаклар ($n=29$): $146,8 \pm 21,4$ см² (индекс $49,2 \pm 7,1$ см²/м²), аёллар ($n=38$): $102,6 \pm 18,7$ см² (индекс $36,1 \pm 6,4$ см²/м²). Фарқ ишончли ($p < 0,001$).

217 онкологик беморда Tanita MC-980MA PLUS (Япония) аппарати ёрдамида биоимпеданс таҳлили ўтказилди. Бу усул жисм таркибини кўп частотали сегментал таҳлил қилиш имконини бериб, ёғ ва ёғсиз масса, скелет-мушак массаси ва фазавий бурчакни баҳолаш имкониятини яратди.

